



Девор: Хитой тарихига бир назар



Кадим замонларда икки цивилизация бор эди — Миср ва Хитой.

Бири Африканинг чеккасида жойлашган, иккинчиси Осиёнинг... Хар иккисиям хатини белгилар билан ёзди, хар иккисиям тўғонлар яратди, лекин негадир, бири сахрога айланди, иккинчиси яшнаб тураверди... Чунки бири мурдаларга эҳромлар тиклаган эди, иккинчиси миллат химояси учун девор...

Нихоят, хар иккиси ҳам ўз ниятига етди — биридан эҳром ва мумиёланган жасадлар колди, биридан авлод.

...Кадим вақтларда икки ўлка бор эди — Юнонистон ва Хитой.

Бири ўз фикрини, билимини ифодалаш ва колдириш учун харф яратди, иккинчиси эса белги. Харфда товуш ифодаланарди, белгида сўз. Товуш ўз холича ҳеч нарса эмасди, сўз эса — тушунча. Товушлар, оханглар ўзгариб борди, у билан бирга халқ ўзлигини йўқотди... Миллат ўз аجدодларини таржима оркали ўқишга мажбур бўлди. Белги эса сўзни ифодалайверди, тушунча ўзгармади. Авлодлар бир-бирини яхши англади... Биринчисидан харф колди, ўзи йўқолди, иккинчисининг белгисиям, ўзиям колди.

...Ўтган замонларда икки империя бор эди — Рим ва Хитой.

Бири бошқаларни талаш ҳисобига кун кўрди, иккинчиси ўз миллатининг аянчли қўл

мехнатига таянди... Бири ўта киммат баҳода ипак харид килди, иккинчиси аянчли меҳнат эвасига ипак яратди... Бирининг фукароси хайбаракаллачи, томошага ўч эди, иккинчисиники эзилган, кора меҳнатдан бош кўтармасди. Бирининг динида худо кўп эди, камига бошқаларнинг ҳам илохларини ўзлаштирди. Иккинчисининг динида худо йўк эди. Бошқаларнинг худоларига ҳам токат килолмади. Хар иккисида ҳам давлат бошқарувида хизмат килиш учун киши бадавлат бўлиши лозим эди. Бирида — аҳолининг овозини сотиб олиш, иккинчисида лавозимга ўтишда белгиланган имтихонларни топшира оладиган даражада билимга эга бўлиш учун.

Нихоят, хар иккиси ҳам ўзи сазовор бўлган манзилга етди — бирининг тарихнинг сўнгсиз бағрида номи колди, иккинчисининг эса, ўзи.

...Якин ўтмишда икки давлат бор эди — (собик) СССР ва Хитой.

Хар иккиси ҳам не-не киргинбаротлардан сўнг тикланди. Хар иккисининг ҳам гоёси бир эди. Хар иккисиям «эси борида этагини ёпмокчи» бўлди. Бири улгурди, бири эса йўк.

...Кадимда икки элат бор эди — хунлар ва хитойлар.

Иккаласи кўшни эди. Бири кўчманчи эди, иккинчиси ўтрок. Бири кўчиб-кўчиб, дунё миллатларининг шаклланишига туртки бериб, ўзи тарих сахнасидан йўқолиб кетди. Иккинчиси ўша жойида хали ҳам ўтирибди.

...Кадимда икки халк бор эди — бири турк, бири хитой.

Иккаласи ёнма-ён яшарди. Бири табиатдан ибрат олди, иккинчиси уни ўзига мослаштирди. Бири иккинчиси устидан юзлаб йиллар ҳукмронлик килди. Хар иккиси ҳам ўз удумини, ўз уругини дунёга ёймокчи бўлди. Бирок, бирининг девори бор эди, иккинчисиники йўк. Бири ўз деворидан ўтолмади, иккинчисининг ўзиям, тилиям дунёга таркалди, кўп халкларга ҳукмронлик килди. Иккинчиси эса тилини ёймасаям, ўзи ўзидан кўпайди, тили ҳам обрў топди.

...Ўтган замонларда икки улус бор эди — бири мўғул, бири хитой.

Иккаласи неча йиллар кўшни бўлиб, уришиб, талашиб яшади. Биринчиси тартибни, ўзи яратган янги конунларни улуглади, иккинчиси авлодлар белгилаб кетган ахлоққа риоя килди. Бирининг конунини ҳукмдор яратди, иккинчисиникини донишманд. Бири иккинчисининг устидан ҳукмронлик килди... Янги конунлар эскирди, секин-аста барҳам топди. Ота-боболарнинг ахлоқи эса эскирмади. Бири довул каби елиб-югуриб, дунё тарихида улкан ўзгаришлар ясаб, тиниб кетди. Иккинчиси ўз йўригида шошмай, шошилмай, бугунга қадар етиб келди.

Тарих мана шундай кечган эди...

Бу Хитой ва унинг ҳамкорлари, ракиблари, кўшнилари тарихи эди...

Минглаб йиллар давомида Хитойнинг ёнида не-не миллатлар, элатлар, давлатлар шаклланди, кучга тўлди ва дунёга ёйилди, оламга эғалик килди. Хитойликлар эса ҳеч нарсга бўлмагандай, жойидан жилмади. Бу халк минглаб йиллар бурун ота-боболари бошлаган йўлни хануз тарқ этгани йўк.

Асрлар қаъридан буён бир жойда яшаб, шунча киргинбаротдан омон қолиб, қанча гоёлар таъсирида ҳам ўзгармаган, юзини йўқотмаган миллатга нима куч бағишлади экан?

Сабаби не бўлди бунинг?

Миллатга шунча вақт давомида қаддини тутиб туриш учун нимадандир қувват олиши керак-ку? Ахир халқ ўзлигини таниши ва сақлаб қолиши учун даврлар синовидан ўтишга мажбур. Очлик, қийинчилик, қиргин — синов; тўқинлик, бойлик, тўқчилик ундан-да оғир синов... Ўзга элат қўл остида яшаш, тутқунликда ўзликни сақлаш — оғир. Хурликда, тўқин сочинликда қадриятларга содиқ қолиш яна-да оғир...

Хар қандай шароитда ҳам ўзликни сақлаш — миллат олдидаги мушкулот! Хитойликлар бунга қандай эришди, қандай дош берди экан?

Бунинг энг асосий омили девор бўлса керак!

Девор аслида нима? У фақат ёмон қўшнидан химоями? Хитойликлар бу оламшумул ишга қўл урганда нимани ҳаёл қилди экан? Неча-неча авлодни пойида бой берган, юзлаб авлоднинг қони ва қўз ёши устига қурилган девор охир оқибатда шунча захматни оқладими? Миллатни қўзланган мақсадга етказдими?

Миллатни минглаб километрга қўзилган, ўнлаб асрлар давомида қурилиши лозим лойиҳага қўл уришга нима мажбур қилди?

Саволлар қўп. Аслида уларнинг жавоби қизик эмасдай... Чунки бизга бегона миллат ўтмишининг нима қизиги бор?

Болалигимизда «хитойликлар қўчманчи қўшниларида химояланиш учун девор тиклаган», деб ўқитишган. Билсам, ҳалигача уларнинг фикру ўйини билмас, тушунмас эканмиз. Улар бу улкан қурилишга мол-мулк химояси учун қўл урмаган. Ўзлари ва дунё ўртасида чегара бунёд қилган. Бошланишидаёқ улар бошқа миллатларга араллашиб кетмасликни ўйлаган. Шу гоёга миллат ривожланиб, гуллаб-яшнаган даврларда ҳам, таназзулга учраб, ўзгалар қўл остида қолганда ҳам содиқ қолган. Девор уларни ҳеч қачон босқинчилардан химояламаган. Девор ташқарисида қанча қиргин ўтган бўлса, ичқарисида ҳам шундан қам бўлмаган, ҳатто ўн қандон ортиқ.

Деворнинг салбий жиҳати ҳам шу — ташқарига чиқолмаган халқ бир-бирини қираётган эди. Ўзга элатлар захрини душман улусларга соққан, булар қўпроқ бир-биридан ўч олди. Девор қурилиши босқинчилар ўлдириши мумкин бўлганидан қўпроқ аҳолини «ютиб» юборди. Демак, бу қурбонлар қонини қамайтириш, тинч ва осуда ҳаёт мақсадида қурилган эмас.

Унинг қаромати бошқа — миллатни улоқиб кетишдан чегаралади. қайси маънодадир бирлаштирди. Бироқ, бирлашиш ҳар доим ижобий бўлавермайди. У қўплаб қиргинларга сабаб бўлди.

Ичан қалъадаги тугалланмай қолган Қалта минорни, айтишларича, бир хон қурилишини бошлаб, охирига етказмай, вафот этган, кейингиси эса ўша хоннинг ишини давом эттиргиси қелмаган ва минора шу — қала ҳолича қолиб қетган.

Хитойликлар эса ўз деворини юзлаб йиллар давомида тиклаган. Бу даврда нафақат императорлар, балки, сулолаларнинг ҳам нечаси алмашди. Улар ўз бошлаган ишларини охирига етказди. Демак, девор қурилиши императорлар, сулолаларнинг инон-ихтиёрига боғлиқ бўлмаган...

Албатта, у ҳаётий зарурат эди, дейишади. Бироқ турмуш шароити инсоният тарихида ҳеч бир миллатни юзлаб йиллар давомида бир иншоотга банд бўлишга мажбур қилмаган. Қайтанга миллат-элатнинг ўзи ўша ҳаёт талабларига мослашиб қўя қолган. Шуниси осон ва ишончли. Гап ҳаётий заруратда эмас, гап миллатнинг мақсадида.

Улар девор эмас, рамз тиклаган. Элатларни бирлаштириб, унга ўзининг қимлигини ўқитиб турувчи рамз. Бу девор нафақат Хитой шимолида, нафақат иқлим чегарасида,

нафакат кўчманчи ва ўтрок ахоли ўртасида, балки миллат кўнглида тикланган эди. Албатта, бу девор элатни ўша чегарадан чикишига тўскинлик килди, бироқ бир вақтда ташкаридан келаётган гоёларга ҳам гов бўлди. Хакикий девор кўчманчиларга, миллат кўнглидаги унинг акси эса гоёларга карши турди ва минглаб йиллар таъсирига дош берди.

У гоёни келажак авлодларга етказиш воситаси эди. Ўкиш ва укиш лозим эди. Минглаб йиллардан буён ўзлигини йўкотмай келаётган экан, демак, хитойликлар буни тушунган. Агар Буюк Хитой девори миллатнинг иродаси, акл-заковати ва миллат чеккан жафоларнинг ёдгорлиги бўлса, унда Ичан калъадаги Калтаминор бизнинг ўзибўларчилигимизга кўйилган хайкал бўладими? Миллат, кимнинг рахбарлиги остида бўлишидан катъий назар, ўзи бошлаган ишни якунига етказиши лозим, ахир!

Хитойликлар хозир ҳам девор таъсирида яшайди. Ташкаридан келаётган хар кандай сўзни ўз тилларига таржима килиб олади. Биз тилимиз синиб, бегона охангларга мослашишга харакат килаётган бир вақтда, улар бошқаларнинг сўзлашув охангига мослашишни ўйламайди. Конун-коидага мос келадими, йўкми, фарқсиз, ўзларига мослаштиради.

Мамлакат шимолидаги даштлар жахоннинг кўплаб миллатларига бешик бўлди. Анчагина халқлар шу ерда шаклланиб, жахонга ёйилди. Бироқ, улар билан ёнма-ён яшаган хитойликлар ўз ўтирган жойидан силжимади.

Чунки оддий бир нарсага муносабат ҳам миллат бирлигини таъминлайди. Ахир айтишади-ку, яхудийлар шанбани канча улуглаган бўлса, шанба уларнинг бирлигини саклаб қолишда шунча хизмат килган. Девор ва иероглиф хитойликлар учун шундай вазифани ўтади.

Йўк, бу хитойликларни улуглаш эмас. Шунчаки, неча замонлардан буён, бошдан не кунларни ўтказиб, куйиб, ёниб яшаётганлар тарихига бир назар солиш, холос. Ахир, миллат бир натижага эришиш учун кўп кўргуликни ўз бошидан ўтказиши шарт эмас. Буни бошқалар тажрибасидан ўрганиш мумкин.

Нима бўлишидан катъий назар, хар кимнинг ўз девори бўлсин экан.

...Дунёга даъвогарлик килаётган икки империя колди — АКШ ва Хитой.

Исмоил ШОМУРОДОВ